



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 11 ноябрь, № 233 (9128)

Сешанба

Сайтимиға ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



АМАЛИЙ ҲАРАКАТЛАР ВА РАҚАМЛИ ИСЛОҲОТЛАР ТИББИЁТНИ ХАЛҚҚА ЯНАДА ЯҚИНЛАШТИРМОҚДА

Президент Шавкат Мирзиёев 10 ноябрь куни Тошкент давлат тиббиёт университетига ташриф буюриб, мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимини рақамлаштириш, тиббиёт муассасаларида хизматлар сифатини ошириш ҳамда тиббий таълимни такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган ишлар тақдироти билан танишди.



Сўнгги йилларда тиббиёт соҳасининг ўзига 230 триллион сўм йўналтирилди. Бунинг ҳисобига жойларда 187 та янги поликлиника ва шифохона ишга тушди, 1 минг 244 таси реконструкция қилиниб, жиҳозланди.

Тиббиётдаги бу ўзгаришларни миллионлаб одамларимиз ўз ҳаётида ҳис этмоқда, халқаро ташкилотлар томонидан эътироф этилмоқда.

Сўнгги йилларда юртимиз тиббиётида илғор технологиялар жорий

этилиб, таълим жараёнларига ҳам кенг татбиқ қилинмоқда. Хусусан, учта олий таълим муассасаси негизда Тошкент давлат тиббиёт университети ташкил этилди. Урганч давлат тиббиёт институти фаолияти



йўлга қўйилди. Саккизта тиббиёт олий таълим муассасаси халқаро аккредитациядан ўтди. Бу соҳада замонавий билим ва кўникмаларга эга кадрлар тайёрлаш имкониятлари янада кенгайди.

Тошкент давлат тиббиёт университетида инфратузилма яхшилаши натижасида таълим олувчилар сони 29 минг 864 нафарга етди. Ўқув жараёнлари энг замонавий талаблар даражасига кўта-

рилди, рақамлаштириш фаол давом этмоқда.

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФАОЛЛАРИ ВА АЪЗОЛАРИГА

Қадрли ватандошлар!

Мамлакатимиздаги энг оммавий фуқаролик институти аъзолари бўлган сиз, азизларни 11 ноябрь — Касаба уюшмалари куни билан чин қалбимдан самимий муборакбод этиб, барчангизга ўзимнинг юксак ҳурматим ва эзгу тилакларимни изҳор этаман.

Хеч шубҳасиз, ушбу байрамнинг юртимизда Ўзбекистон касаба уюшмалари ҳаракатининг 120 йиллиги кенг нишонланаётган кунларда ўтаётгани унинг файзи ва шуқуҳини янада оширмоқда.

Барчамиз яхши тушунамизки, Янги Ўзбекистон — аввало, инсон ҳаёти, унинг саломатлиги, ҳуқуқ ва манфаатлари, кадр-қиммати қонун асосида ишончли ҳимоя қилинадиган давлат дегани.

Шу боис ўз сафларида саккиз миллионга яқин аъзони бирлаштирган касаба уюшмаларининг меҳнат соҳасидаги ҳуқуқ ва манфаатларни ҳимоя қилиш, адолат ва тенглик тамойилларини таъминлаш борасидаги бир асрдан зиёд таъриба мактаби мамлакатимизда янги жамият, янги давлат барпо этишда биз учун ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Бу ҳақиқатни чуқур тушунган касаба уюшмалари фаоллари ижтимоий соҳадаги дастурларимизни амалга ошириш, айниқса, камбағалликни қисқартириш, бандликни таъминлаш, ёшлар, мухтарам кексаларимиз, азиз аёлларимиз манфаатларини ҳимоя қилишда алоҳида жонбозлик кўрсатиб келмоқда.

Фақат сўнгги 5 йилда сизларнинг саъй-ҳаракатларингиз билан қарийб 500 минг нафар фуқаронинг ҳуқуқлари тиклангани, қорхона ва муассасаларда 20 мингга яқин жамоатчилик назорати ва гендер тенгликка оид аудит тадбирлари ўтказилгани, меҳнат муҳофазаси юзасидан 21 мингдан ортиқ камчилик бартараф этилгани, салкам

1 миллион ходим ва уларнинг оила аъзолари, 1 минг 200 нафар уруш ва меҳнат fronti фахрийлари санаторийларда соғломлаштирилгани, 800 минг нафардан зиёд болалар учун ёзги дам олиш имкониятлари яратилгани диққатга сазовордир.

Мамлакатимиз касаба уюшмаларининг хорижий мамлакатлардаги турдош ташкилот ва халқаро тузилмалар билан ҳамкорлик алоқалари мустақамланиб бораётгани, Федерациямиз ўнга яқин халқаро ва минтақавий ташкилотларга аъзо бўлгани ҳам унинг кенг фаолиятдан далолат беради.

Хурматли дўстлар!

Яқинда сизлар билан очик мулоқот шаклида ўтказилган, ҳаракат тарихига ёрқин саҳифа бўлиб қирадиган учрашувда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси, унинг тармоқлар ва жойлардаги бўлиmlари фаолиятини атрофлича таҳлил этиб, келгуси вазифаларни аниқ белгилаб олдик.

Ана шу учрашувда сизларнинг кўпгина соҳаларда ижтимоий шерикликини кенгайтириш, таъсирчан жамоатчилик назоратини ўрнатиш, мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қорхона ва ташкилотларда ходимлар, айниқса, норасмий тарзда банд бўлган фуқаролар, хотин-қизлар ва ёшларнинг касб ва меҳнатга оид ҳуқуқларини таъминлаш тизимини кучайтириш, умуман, норасмий бандликка чек қўйиш бўйича ташаббусларингиз билан танишиб, соҳа ходимлари бутун халқимиз қатори ўз олдига улкан максадлар қўйиб яшаётганига яна бир бор амин бўлдим.

Турли ижтимоий-иқтисодий зиддиятларга тўла бўлган ҳозирги мураккаб замонда бундай кенг қўламли вазифаларни амалга ошириш албатта осон эмас.

Бунинг учун, аввало, “яшил” иқтисодиёт ва сунъий интеллект жадал ривожланаётган даврда меҳнат бозорида янгича муносабатлар шаклланаёт-

гани, ўнлаб касблар бўйича платформали бандлик йўлга қўйилаётганини ҳисобга олиб, меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш, ҳаёт ва хавфсизлиқни сугурталашга доир ҳуқуқий нормаларни қонунчилигимизда аниқ белгилаб қўйишимиз, шу асосда янгича иш тизимига ўтишимиз зарур.

Халқаро меҳнат стандартларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш ва ижтимоий ҳаётга татбиқ этиш, мамлакатимизнинг 2026 — 2030 йиллар учун мўлжалланган Муносиб меҳнат бўйича дастурини ишлаб чиқиш ва касаба уюшмалари фаолиятининг келгуси беш йиллик стратегик йўналишларини белгилаб олиш ҳам долзарб масаладир.

Ана шу вазифаларни самарали адо этишда ўз ҳаётини инсон манфаатларини ҳимоя қилишдек эзгу ишга бағишлаган, соҳада кўп йиллардан буён самарали хизмат қилиб келаётган Ўзбекистон касаба уюшмаларининг барча жонқуяр фаоллари ва аъзолари бой билим ва тажрибасини ишга солиб, фидокорона меҳнат қиладилар деб ишонаман.

Ўз навбатида, биз ҳозирги ўта муҳим тараққиёт босқичида юртимизда меҳнат муносабатларини такомиллаштиришда касаба уюшмаларининг давлат идоралари билан янада яқин ҳамкорликда иш олиб боришлари учун қўшимча шароит ва имкониятларни яратиб беришга тайёرمىз.

Азиз ва мухтарам ватандошлар!

Сизларни мамлакатимиз касаба уюшмаларининг қутлуг айёмлари билан яна бир бор чин дилдан табриклаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, шарафли фаолиятингизда улкан ютуқ ва омадлар, хонадонларингизга тинчлик ва файзу барака тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ҲАРАКАТИНИНГ 120 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН СОҲА ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда касаба уюшмалари тизимини илғор халқаро тажрибалар асосида ривожлантириш ва янги босқичга кўтариш, кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш борасидаги кўп йиллик самарали хизмати, соҳада ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш, ишчи-ҳодимларнинг меҳнат қонунчилигига доир ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, аҳоли фаровонлигини юксалтиришга қаратилган устувор вазифа ва дастурлар ижросини таъминлашга қўшаётган муносиб ҳиссаси, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш йўлидаги ибратли фаолияти ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагилар мукофотлансин:

«Фидокорона хизматлари учун» ордени билан

Файзиева Сайёра Мавляновна — Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Тошкент вилояти Кенгаши раиси

«Меҳнат шуҳрати» ордени билан

Сабиров Қутлимурат — Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Республика Кенгаши раиси

«Дўстлик» ордени билан

Абдуалимов Эшмирза Уралович — Ўзбекистон агросаноат мажмуи ҳодимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши раиси

Акбердиев Абдуғофур Бектошев — Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Ўш вилояти Кенгаши раиси

Ахмедов Искан Набиевич — Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Қашқадарё вилояти Кенгаши раиси

Матисаев Хамидулло Пазилджанович — Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Андижон вилояти Кенгаши ташкилий ишлар бўлими мудири

Норкулов Ҳасан Хайдарович — Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Сурхондарё вилояти Кенгаши меҳнат муҳофазаси бўйича етакчи мутахассиси

Умароҳунов Иркин Мирзахидович — Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Малака ошириш институти ректори

Хамидов Тайиржон Касимджанович — Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати ҳодимлари касаба уюшмаси Республика Кенгашининг Фарғона вилояти бўйича масъул ташкилотчиси

II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан

Бедилов Равшан Мэлсович — Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши раиси

II даражали «Саломатлик» ордени билан

Имамулиева Санобар Атабаевна — Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Даволаш-профилактика маркази терапевти

Хананияев Фарходжон Раҳманович — Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши раиси

«Соғлом турмуш» медали билан

Сантбекова Зерхан Жаксликовна — Мўйноқ туманидаги «Оқ кема» болалар соғломлаштириш оромгоҳи директори, Қорақалпоғистон Республикаси

«Шуҳрат» медали билан

Абдумухторов Анваржон Акрамжонович — Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ҳодимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши раиси

Алимов Жасуржон Камилджанович — Бўстонлиқ туманидаги «Оқ-тош санаторийси» масъулияти чекланган жамияти директори, Тошкент вилояти

Самарбеков Равшанбек Юлдашович — Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг ташкилий ишлар бўлими мудири ўринбосари

Урманбекова Мухаббат Давранбековна — Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Матбуот хизмати раҳбари

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2025 йил 10 ноябрь

Танзила НОРБОЕВА,
Олий Мажлис Сенати Раиси

МИЛЛАТ, ХАЛҚ ВА МИНТАҚА МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДАГИ МУЗОКАРАЛАР

Аслида АҚШ ва Марказий Осиё дипломатик платформасини яратиш гояси 2015 йилда БМТ Бош Ассамблеяси 70-сессиясида юзага келган. Ўтган йиллар давомида мамлакатлар ўртасидаги алоқалар ўша даврдаги сиёсий муҳитга хос тарзда турлича кенганини кузатишимиз мумкин.

Орадан ўн йил ўтиб Марказий Осиё давлатлари билан АҚШ ўртасидаги ҳам-

корлик бутунлай янги форматда — ўзаро манфаатдорлик, дўстона муно-

сабатлар ҳамда қатъий ишонч асосига қурилди.

Яқинда Вашингтонда олий даражада бўлиб ўтган “С5+1” форматдаги саммит Марказий Осиё ва АҚШ ҳамкорлигида янги даврнинг бошланиши бўлди.



Нуриддин ИСМОИЛОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери

МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК: «С5+1» САММИТИ — ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР ЭШИГИ

Дунёдаги янги сиёсий мувозанатлар тез ўзгариб бораётган ҳозирги даврда, геоиктисодий рақобат, энергия хавфсизлиги, иқлим ўзгариши ва трансчегаравий муаммолар давлатлардан янги ёндашушни талаб қилмоқда.

Президентимизнинг мамлакатимиз ва минтақамиз манфаатларидан келиб чиқиб олиб бораётган ўзига

хос фаол ташқи сиёсати ўзининг ижобий натижаларини бераётганлиги бугунги кундаги муҳим воқеалардан

бири сифатида эътироф этилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг очиқлик ва ўзаро ишончга асосланиб яқин кўшилар билан олиб бораётган сиёсати, минтақамизга янги мазмун, руҳ олиб кирди.



АМАЛИЙ ҲАРАКАТЛАР ВА РАҚАМЛИ ИСЛОҲОТЛАР ТИББИЁТНИ ХАЛҚҚА ЯНАДА ЯҚИНЛАШТИРМОҚДА

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Соғлиқни сақлаш тизимини рақамлаштириш бўйича амалга оширилаётган ишлар натижалари ҳақида ахборот берилди. Мамлакат бўйлаб давлат тиббиёт муассасалари замонавий ахборот-коммуникация жиҳозлари билан таъминланди, ягона рақамли инфратузилма шакллантирилди.

2024-2025 йилларда 3 мингдан ортиқ тиббиёт муассасалари локал тармоқ билан таъминланди. Минглаб янги компьютерлар харид қилиниб, техник база янгиланди.

Президентимизга “DMED” ягона электрон ахборот тизими имкониятлари ҳам тақдим этилди. Бу тизим орқали 36 миллион нафардан зиёд фуқароларнинг тиббий маълумотлари ягона базада жамланди. Тез тиббий ёрдам хизматида электрон бошқарув йўлга қўйилиб, қақриқларга етиб бориш вақти 25 — 30 дақиқадан 10 — 15 дақиқагача қисқартирилди. Яқин келажақда “Online-шифокор” хизмати жорий этилиб, аҳолига масофадан тиббий маслаҳат бериш имкони яратилади.

Шунингдек, “Электрон рецeпт” тизими фаолияти йўлга қўйилиши натижада ортика дори ёзиш ҳолатлари 40 фоизга камайди, дори воситалари айланмаси шаффофлашиди. Барча тиббий маълумотлар биометрик химоя остида сақланиб, шахсий маълумотлар хавфсизлиги таъминланмоқда.

— Замонавий тиббиёт муассасаларини барпо этиямиз, соҳада сунъий интеллектни жорий қиламиз, илгор ускуналарни олиб келямиз. Бу ўзгаришлар энг қуйи бўйингача етиб бориши зарур. Мухими, ҳар бир тиббиёт ходимининг малакасини ошириш, замонавий билим ва кўникмалар билан таъминлашга эътибор қаратишимиз лозим. Шундагина ҳаракатларимиз натижа беради, — деди Президент.

“Рақамли соғлиқни сақлаш маркази” фаолияти ҳақида ҳам ахборот берилди. Унда барча тиббиёт муассасаларининг фаолияти реал вақт режимида кузатилиб, сурункали касалликлар ва аҳоли саломатлиги кўрсаткичлари таҳлил қилинмоқда.

Президентимиз тиббиёт тизимининг рақамлаштирилиши беморлар учун қулайлик, шифокорлар учун самардорлик, давлат учун эса шаффофлик ва тежамкорликни таъминлаш учун му-

ҳим эканини таъкидлаб, бу ишларни жадал давом эттиришни топширди.

Ташриф чоғида университетдаги замонавий таълим муҳити ва сунъий интеллект ёрдамида фаолият юритаётган ўқув лабораториялари билан танишилди. Резимация, оилавий поликлиника, шошилинч ёрдам, операция, педиатрия, акушерлик ва терапия бўйича симуляцион хоналарда талабалар амалиёт орқали билим ва кўникмаларини мустаҳкамламоқда. Бунинг учун яратилган шароитлар ва келгуси режалар ҳақида батафсил ахборот берилди.

Президент Шавкат Мирзиёев тиббиётни аҳолига яқинлаштириш, хизматлар сифатини ошириш, бу жараёнда илгор усул ва технологияларни қўллашни янада кенгайтириш юзасидан мутасаддилар олдига аниқ вазифалар қўйди.

9 ноябрь куни Президент Шавкат Мирзиёев Тиббиёт ходимлари куни муносабати билан соҳа ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисидаги Фармонни имзолаган эди.

Тошкент давлат тиббиёт университетида давлатимизнинг юксак унвон, орден ва медалларига сазовор бўлган соҳа вакилларига мукофотларни топшириш маросимини бўлиб ўтди.

Улар орасида дунёнинг нуфузли олийгоҳларида таълим ва тажриба олиб, юртимизга қайтиб келиб ишлаган, юқори технологик муолажаларни амалга ошираётган ёш шифокорлар, аҳолимиз саломатлигини сақлашда яқиндан кўмак бераётган хорижий ҳамкорлар ҳам бор.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимизда иқтисодиётни барқарор ривожлантириш, одамларни ишли ва даромадли қилиш, ёшларга замонавий билим ва тарбия бериш, халқимиз саломатлигини мустаҳкамлаш бўйича ислохотлар жадал олиб борилаётганини таъкидлади.

Натижада бирламчи тиббиёт муассасаларининг қуввати 60 фоизга ошиб, тиббий хизмат аҳолига анча яқинлашди. Илгари, асосан, пойтахтда бажарилган юқори технологик ва диагностика-даволаш усулларининг 400 дан ортиғи ҳудудларда амалга оширилмоқда. Юзлаб мураккаб амалиётлар вилоят марказларига, кам инвазив операциялар эса туман даражасига туширилди.

— Биринчи марта 45 та туманда бўйрақ кўчириб ўтказиш амалиёти

йўлга қўйилгани инсон саломатлиги борасидаги ишларимизнинг яққол амалий тасдиғидир, — деди Президентимиз. — Юртимизда ўртача умр давомийлиги эркаклар ўртасида 71 дан 73 ёшга, хотин-қизлар орасида эса 76 дан 77,5 ёшга узайгани сизлар билан эришган катта ютуғимиз, десам, тўғри бўлади. Албатта, машаққатли меҳнат маҳсули бўлган бундай эзгу ишларда 600 мингдан зиёд жонқуяр тиббиёт ходимларининг муносиб ҳиссасини эътироф этиб, ҳар қанча раҳмат айтсак арзийди.

Президентимиз давлат мукофотларини тантанали равишда топшириб, тақдирланганларни бутун халқимиз номидан табриклади.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев тиббиёт ва фармацевтика ходимлари билан учрашув ўтказди.

Давлатимиз раҳбари йиғилганларни Тиббиёт ходимлари куни билан сaмимий табриклаб, барча шифокор ва ҳамширалар, соҳа мутахассисларига ўзининг чуқур ҳурмати ва эзгу тилакларини билдирди.

Фармацевтика соҳасининг замонавий тиббиётдаги ўрнини ҳисобга олиб, бундан бўён ушбу байрамни “Тиббиёт ва фармацевтика ходимлари куни” сифатида нишонлаш тақлиф қилинди.

Учрашувда ўз ечимини кутаятган масалалар таҳлил қилиниб, янги вазифа ва имкониятлар белгилаб олинди.

Ихтисослаштирилган марказларга сўнгги беш йилда 7,5 триллион сўм маблағ берилиб, улар минглаб энг замонавий ускуналар билан жиҳозланди. Шунга қарамай ускуналарнинг қувватидан бор-йўғи 25 фоиз фойдаланилаётгани кўрсатиб ўтилди.

Рақамлаштириш, хориждан ҳамкор топши, клиник протоколларни янгилash, илгор диагностика, профилактика ва даволашни уддалайдиган замонавий жамоани шакллантириш барча тиббиёт марказлари, вилоят, туман соғлиқни сақлаш бошқарма ва бўлимларининг биринчи навбатдаги вазифаси бўлиши зарурлиги қайд этилди.

Қайси маҳаллада, туманда қандай касаллик кўпайган ёки камайганини таҳлил қилиб, уларнинг олдини олиш ва самарали даволаш бўйича аниқ режа билан ишлаш, республика марказлари бундай таҳлил ва ёндашув билан ишни пастда ташкил қилиш, катта маблағ эвазига олиб берилган энг замонавий ускуналардан самарали фой-

даланиш ҳар қачонгидан ҳам долзарб экани таъкидланди.

— Бугун одамларнинг ҳаётга муносабати ҳам, талаб ва эҳтиёжлари, дунёқарashi ҳам тўбдан ўзгарди. Бу бошқа соҳалар қатори тиббиётда ҳам сифатни ошириш, замонавий ёндашувлар олиб кириш бўйича олдимизга янги вазифаларни қўймоқда. Шу боис тиббиётда халқнинг баҳосини эшитадиган тизимни жорий қиламиз, — деди давлатимиз раҳбари.

Эндилиқда 26 та марказ директорлари, вилоят, туман соғлиқни сақлаш раҳбарлари, оилавий поликлиника мудири бир ойлик аниқ режа асосида ишлашга ўтади.

Марказ раҳбарлари ўз соҳасида энг оғир туман ва маҳаллага боради. Бир ой қолиб, касалликларнинг сабабларини ўрганиб, уларга ечим беради, оилавий поликлиника ва туман шифохоналарининг врачларини касалликни даволашга ўргатади.

Бундан бўён вилоят ва туман соғлиқни сақлаш раҳбарларининг кунлик қабули маҳаллада бўлади.

Ҳар бир вилоят, туман тиббиёт раҳбари, бош шифокор ва поликлиника мудири беморга эътиборли бўлиб, дардига шифо излаб келган ҳар бир одамнинг иши тез битиши учун барча шароитларни яратиши шартлиги қайд этилди.

Янги йилдан 26 та марказ директорлари, вилоят ва туман соғлиқни сақлаш раҳбарлари, оилавий поликлиника мудириларини лавозимга қўйишда янги тартиб жорий қилинади.

Бунда барча тиббиёт муассасаларида раҳбар ва бош шифокор лавозимлари бир-биридан ажратилади. Уларга раҳбарлар менежерликка ўқиган, яхши натижалар кўрсатган тадбиркорлар орасидан тайинланади.

Раҳбарларнинг рағбатлантириш тизими ҳам ўзгартирилади.

Энг намунали вилоят, туман соғлиқни сақлаш бўлимлари раҳбарлари ва оилавий поликлиника мудириларига “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган тиббиёт ходими” унвони, орден ва медаллар, 30 миллион сўмдан пул мукофоти берилади. Улар раҳбарлик қилаётган шифохона ва поликлиника инфратузилмасини яхшилашга 500 миллион сўмдан ажратилади.

Ҳар бир вилоятда энг яхши 2 та туманиннг соғлиқни сақлаш бўлими раҳбари ва оилавий поликлиника мудири АҚШ, Германия, Буюк Британия,

Жанубий Корея, Туркия каби тиббиётни ривожланган мамлакатларга менежерликка ўқитиш учун юборилади.

— Тиббий таълимдаги ислохотларимизни давом эттириб, оиланинг барча ёшдаги аъзоларига малакали тиббий хизмат кўрсата оладиган оилавий шифокорлик институтини ривожлантиришимиз зарур, — деди Президент.

Келгуси ўқув йилидан тиббиёт олийгоҳларининг бакалавр босқичида педиатрия ва даволаш йўналишларини ўз ичига олган умумий тиббиёт факультети очилиши эълон қилинди. Уларда оилавий шифокорлик мутахассислиги бўйича резидентура ва магистратура ҳам йўлга қўйилади.

Резидентурада таълим олаётган талабалар белуп ўқиш билан бирга оилавий шифокор сифатида ишлаб маош олади. Резидентура битирувчиси оилавий шифокорлик бўйича тор соҳа дипломи ва 150 фоизли устама олади.

Тиббиёт олийгоҳларининг бакалавр босқичида талабаларнинг фундаментал ва клиник фанлар бўйича билими баҳоланади. Резидентурани тугатган шифокорлар эса ихтисослиги бўйича имтиҳондан ўтказилади. Шундан кейин мутахассис давлат рўйхатидан ўтади ва унга тиббий фаолият юритишга рухсат берилади.

Эндилиқда оддий муолажмани қиладиган эмас, ташхис, даволаш ва профилактикада шифокорга кўмакчи бўладиган ҳамшираларни тайёрлашга ўтиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Бунинг учун Ҳамширалар академияси Тошкент давлат тиббиёт университети тасаруфига ўтказилиб, негизиди Олий касбий тиббиёт академияси ташкил қилинади.

Келгуси йилдан барча тиббиёт олийгоҳларида олий ҳамширалик иши йўналиши очилади ва квота 2 қарра, 2027 йилдан эса камида 20 фоиздан ошириб борилади.

Олий маълумотга эга, шифокор билан ёнма-ён турадиган бундай ҳамшираларнинг меҳнати муносиб рағбатлантирилади. Келгуси йилдан олий маълумотли ҳамшираларнинг маошига 100 фоиз устама берилади.

Айни пайтда ўрта маълумотли ҳамшираларни тайёрлаш тизими ҳам ўзгартирилади.

Бугунги давр шифокори замонавий технология, даволаш ва диагностика усулларидан хабардор бўлиши, ўз устида доимий ишлаб бориши шартлиги қайд этилди.

Шу боис тиббиёт ходимларининг малакасини узлуксиз ошириб борадиган янги тизим бўлади. Келгуси йилдан малака оширишнинг масофавий, робот-симулятор, амалий, иш жойида мустақил тайёргарлик каби турлари йўлга қўйилади. Малака ошириш талаблари ва баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш билан шуғулланадиган Узлуксиз касбий тиббиёт таълими маркази ташкил қилинади.

Президентимиз ҳозирда тиббий хизматларнинг 30 фоизи хусусий сектор томонидан кўрсатилаётгани, илгор ташаббуслар ҳам улардан чиқаётгани қувонарли ҳол эканини таъкидлаб, уларнинг хусусий шерикликни кенгайтириш бўйича барча тақлифларини кўриб чиқишга тайёрлигини билдирди.

Келгусида ҳам тиббиётда хусусий секторни қўллаб-қувватлаш ва уларга қўшимча шароитларни яратиш давом эттирилиши таъкидланди.

Хусусан, келгуси йилдан тиббий ускуна, жиҳоз ва тез ёрдам машиналарини олиб кириш бўйича имтиёз 3 йилга узайтирилади.

Умумий овқатланиш корхоналарига ҚҚСнинг бир қисmini қайтариш бўйича берилган имтиёз хусусий тиббиёт ташкилотларига ҳам қўлланади. Замонавий кўп тармоқли клиникаларни ташкил қилиш ва уларни жиҳозлаш учун тадбиркорларга 200 миллион долларлик имтиёзли ресурс ажратилади.

Президентимиз куни кеча имзоланган “Тиббиёт ва фармацевтика ходимларини қўллаб-қувватлаш чоралари тўғрисида”ги қарориди акс этган қўшимча имтиёзларни эълон қилди.

Учрашувда соҳа вакиллари билан мулоқот бўлиб ўтди, уларнинг тақлифлари, фикр-мулоҳазалари тингланди.

— Мен шифокор эғнидаги оқ либосни нафақат касб белгиси, балки Ватанга чексиз садоқат рамзи деб биланман. Бундан бўён ҳам шифокорнинг, ҳар бир тиббиёт ходимининг обрўсини химоя қилиш, унга ҳар томонлама муносиб шароит яратиш эътиборимиз марказида бўлади. Ишончим комил, биз биргалиқда Янги Ўзбекистонни бошқа соҳалар қаторида тиббиётни ҳам ривожланган давлатга айлантирамиз, — деди Президентимиз учрашув якунида.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Икром АВВАЛБЕКОВ,
ЎЗА мухбирлари.

Бугун — Ўзбекистон касаба уюшмалари куни

САМАРАЛИ МЕҲНАТНИНГ МУНОСИБ ЭЪТИРОФИ

Бир неча йилдирки, мамлакатимизда 11 ноябрь — Ўзбекистон касаба уюшмалари куни сифатида кенг нишонланиб келинмоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси асосида ҳаётга татбиқ этилган ушбу сана муносабати билан ҳар йили касаба уюшмалари тизимида турли ижтимоий лойиҳалар ва кўрик-танловлар ўтказиш ҳамда ғолибларни рағбатлантириш яхши анъанага айланган. Бу йилги тадбирлар Ўзбекистон касаба уюшмалари ҳаракатининг 120 йиллиги арафасида уюштирилгани бу борадаги ишларга янада фойз ва ўзгача шуқуқ бағишлади.

Пойтахтимизда бўлиб ўтган навбатдаги тантанали тадбирда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси, унинг ҳудудий кенгашлари, тармоқ касаба уюшмалари республика кенгашлари, тасарруфдаги ташкилотлар мутасаддилари, соҳа фахрийлари, Федерация томонидан ўтказилган қатор танловлар ғолиблари қатнашди. Кўп йиллардан бўён мамлакат касаба уюшмалари тизимида меҳнат қилиб, бугунги кунда ҳам ёш авлод камолоти, юрт равнақига муносиб ҳисса қўшиб келаётган фахрийлар меҳнати эътироф этилди, турли танловлар ғолиблари тақдирланди.

Тадбир аввалида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов иштирокчиларни байрам билан табриклаб, 11 ноябрь санаси касаба уюшмалари ҳаётида унутилмас воқеа сифатида тарихга муҳрланганини алоҳида таъкидлади. Давлатимиз раҳбари томонидан узокни қўзлаган ҳолда олиб борилаётган одилона сиёсат ҳамда туб ислохотлар натижасида юртимизда йил сайин ҳар соҳада мунтазам ўсиш кўрсаткичлари юксалиб бораётгани, шунингдек, тарихан қисқа вақтда Янги Ўзбекистон эришяётган ютуқлари халқаро ҳамжаъит вакиллари ва экспертлар ҳам тан олаётганини фахр билан тилга олди.

Бундан ташқари, олиб борилаётган ислохотлар туфайли “Касаба уюшмалари тўғрисида”ги янги Қонун қабул қилинди. Федерация тизимида Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академияси очилди. Шунингдек, Малака ошириш институти, Ўзбекистон касаба уюшмалари тарихи музейи, Болаларни соғломлаштириш ва аҳоли саломатлигини тиклашга кўмаклашиш жағфармаси, Болаларнинг дам олиши ва соғломлаштирилишини ташкил этиш департаментига асос солинди.

Тизимда мавжуд 18 та болалар соғломлаштириш оромгоҳи сони 107 тага етказилди. 2016 йилда касаба уюшмалари тизимида 17 та санаторий фаолият юритган бўлса, бугун уларнинг сони 33 тага етди. Жаҳон стандартларига тўла жавоб берувчи Касаба уюшмалари сув спорти саройи фойдаланишга топширилди. Яна бир муҳим жиҳат, охириги йилларда касаба уюшма аъзолари сони 8 миллион нафардан ортишига эришилди.

Касаба уюшма мутахассислари ва фаолларининг салоҳиятини ошириш борасидаги ишлар натижасида Парламент палаталарида касаба уюшмалари фаоллари сони кўпайиб бормоқда. Бу халқимизнинг касаба уюшмаларига бўлган ишончи юксалиб бораётганидан далолат. Ушбу эришилган натижалар Ўзбекистон касаба уюшмалари тарихида янги саҳифани бошлаб берди, десак, мулофага эмас.

— Айни кунда юртимизда Ўзбекистон касаба уюшмалари ҳаракатининг 120 йиллиги кенг нишонланмоқда, — дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Матбуот хизмати раҳбари Муҳаббат Ўрмонбекова. — Эътиборлиси, ушбу юбилей са-

нани кенг нишонлаш ва шу муносабат билан соҳа фаолларини маънавий жиҳатдан рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан “Ўзбекистон касаба уюшмаларининг 120 йиллиги” эсдалик нишони таъсис этилди. Ушбу нишон билан касаба уюшмаси аъзоси бўлган, соҳа тарихи тарғиботида фаоллик кўрсатган, меҳнат фаолиятида юқори натижаларга эришган ишчи-хизматчилар, ишчи-ҳодимлар меҳнат ҳуқуқлари химоясини таъминлашда фаол қатнашган шахслар, касаба уюшмаларининг ташкилий масалалари, уларнинг ривожланиши ва жамиятдаги ролини мустаҳкамлашда ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўшган арбоблар, иш берувчилар ҳамда бошқалар тақдирланади.

Тадбирда бир гуруҳ фидойи касаба уюшма фахрийларига “Ўзбекистон касаба уюшмаларининг 120 йиллиги” эсдалик нишони, фахрий ёрлиқ ҳамда совғалар топширилди.

— Ўн йил касаба уюшмалари тизимида ишладим, — дейди Марям Шодиева. — Бугун эсдалик нишони, фахрий ёрлиқ ва совғалар билан тақдирланганимдан ғоят миннатдорман. Бу ҳар қандай одамга ғайрат беради, куч бағишлайди. Мен халқнинг ҳаётини яқиндан биймоқчи бўлган одам касаба уюшмаларида ишлаши керак деб ҳисоблайман. Касаба уюшмалари Федерациясининг Самарқанд вилояти кенгашида раҳбар бўлган йилларимда ҳар бир мурожаатчини тинглардик, унинг муаммосига ечим топишга интилардик. Ҳозир соҳа ходимларининг имкониятлари янада кенгайган, барча қулайлик яратилган. Уларга ҳавас қиламан. Халқ орасида касаба уюшмалари жуда катта нуфузга



эришяпти. Буларнинг барчаси Президентимизнинг соҳа тараққиётига қаратаётган касаб эътибори, қолаверса, тизим фаолларининг саяй-ҳаракатлари самараси, албатта.

Шу билан бирга, Ўзбекистон касаба уюшмалари ҳаракатининг 120 йиллиги ва Касаба уюшмалари куни байрамига бағишланган тантанали тадбирда кўп йиллик самарали меҳнати, эришган алоҳида ютуқлари билан соғлиқни сақлаш, илм-фан, маданият ҳамда спорт соҳаларини ривожлантириш, шунингдек, касаба уюшмаларининг нуфузини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшиб келаётган юртдошларимиз ва халқаро ҳамкорларни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш мақсадида таъсис этилган “Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси лауреати” мукофотининг 2025 йилги совриндорларига ушбу мукофот тантанали равишда топширилди.

Шундан сўнг Ватанимиз тараққиёти ҳамда халқимиз турмуш фаровонлигини янада ошириш йўналишидаги ишларда фаол иштирок этаётган, меҳнат-

кашларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини химоялаш ҳамда касаба уюшмалари фаолияти ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётган бир гуруҳ юртдошларимиз Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг “Эҳтиром” нишони билан тақдирланди. Совриндорларга ушбу нишон, пул мукофоти ва гувоҳномалар топширилди.

— Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон касаба уюшмалари фаоллари ва фахрийлари билан бўлиб ўтган учрашувда соҳада амалга оширилган ишларни эътироф этиб, келгусида қилиниши лозим бўлган чора-тадбирларни ҳам белгилаб берди, — дейди Ўзбекистон энергетика, нефть-газ ва геология ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши ташкилий ишлар бўлими бош мутахассиси Хуршида Рашидова. — Бу барча тармоқ касаба уюшмалари фаолиятини янада жонлантириш билан бирга, унинг мамлакат ҳаётидаги ўрнини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Бугун бажарилган эзгу ишлар бе-

самар кетмайди, аксинча, муносиб рағбат топади. Шу маънода, “Эҳтиром” нишони нафақат менга, балки бутун жамоамиз учун берилган мукофот деб биланман ва кейинги фаолиятимни янада жонлантиришга интиламан.

Навбатдаги мукофотлар “Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги бўйича жамоатчилик назоратини ташкил этиш” юзасидан уюштирилган республика кўрик-танлови ҳамда “Электр энергияси ва ёқилғи-энергетика ресурсларини тежаш бўйича энг яхши касаба уюшма ташкилоти” танлови ғолибларига тақдим қилинди.

Тантанали тадбир давомида “Энг яхши санаторий”, “Энг яхши оромгоҳ” каби ўнлаб номинациялар ҳамда “Касаба ишончи” танлови ғолибларига “Ўзбекистон касаба уюшмаларининг 120 йиллиги” эсдалик нишони, диплом ва совғалар, Касаба уюшмалари тарихи китоби топширилди.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ

(«Халқ сўзи»)

Акмал МУҲАММАДОВ
олган сурат.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига “Аҳоли саломатлиги ва миллат генофондида қарши жиноятлар” номли алоҳида янги бўлим киритилади.

МИЛЛАТ, ХАЛҚ ВА МИНТАҚА МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДАГИ МУЗОКАРАЛАР

Бунда АҚШ ҳамда Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг ташқи сиёсат бобидаги қатъий позицияси асосий омил бўлганини исботлашнинг ҳождати йўқ.

Учрашувда давлатимиз раҳбари минтақавий савдо, транспорт ва энергетика алоқаларини ривожлантиришнинг самарали механизмига айланган “С5+1” форматидagi саммит Марказий Осиё ва АҚШ ўртасидаги стратегик мулоқотни ривожлантиришда янги босқични бошлаб беришини таъкидлар экан, бир қатор ташаббусларни илгари сурди. Ушбу ташаббуслар инвестиция ва савдо, транспорт-коммуникация ва энергетика лойиҳаларини амалга ошириш, муҳим минералларни қидириш, қазиб олиш ва чуқур қайта ишлаш борасидаги саъй-ҳаракатларни самарали мувофиқлаштириш, шунингдек, тайерли мувоқотларни глобал етказиб бериш заңжирларига киритиш масалаларини қамраб олди.

Шунингдек, мамлакатларнинг ўзаро алоқаларини янада чуқурлаштиришга қаратилган ташкилий масалаларга доир тақрифлар “С5+1” форматини сиёсий мулоқот майдонидан иқтисодий, технологик ва маданий ҳамфикрликнинг амалий платформаси даражасига олиб чиқишда муҳим роль ўйнади.

Ушбу ташаббуслар нафақат Ўзбекистон, балки минтақанинг барча давлатлари учун ҳам бирдек аҳамиятли эканини назарда тутсақ, Президентимизнинг ташқи сиёсатда Марказий Осиё ўзаро рақобатлашмайдиған, балки бир-бирини қучайтирадиған яғона иқтисодий макон, деған гоғяга содиқлигини яна бир бор намоён этганига ғувоҳ бўламиз.

Ҳақиқатан ҳам, ушбу форматни замонавий сиёсат архитектурасидаги муҳим восита, деб аташ мумкин. Бу, биринчи навбатда, минтақа ресурс ва стратегик имкониятларининг юқорилиги билан боғлиқ. Қозғосигон ва Ўзбекистонда уран ва нодир металлар, Қирғизигон ва Тоғкиғизигонда сув-энергетика қувватлари, Туркменигонда эса йирқи газ захиралари мавжуд. Бу ресурслар “ағили” иқтисодиёт ҳамда юқори технологиялар саноатига асосий аҳамиятга эға.

Шу билан бирга, Марказий Осиё стратегик жиҳатдан қулай жойлашған минтақа. Бу ерда Қўшма Штатлар ўзини ишончли, узоқ муддатли ҳамкор сифатида қўрсатиши учун ноёб имкониятга эға. “С5+1” саммити бунинг учун идеал платформа яратди — келгуси ўн йиллик учун АҚШ — Марказий

Осиё муносабатларини стратегик асосда мустаҳкамлайди. Энг муҳими, формат ўз мақсадларини савдо ва иқтисодий манфаатларга таянған ҳолда ташкил этмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Оқ уйда Президент Дональд Трамп билан ўтказған музокаралари чоғида Ўзбекигон билан АҚШ ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш, сиёсий мулоқотни мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодий, инвестициявий ва маданий гуманитар ҳамкорлиқни кенгайтириш масалалари қўриб чиқилди.

Учрашувда жорий йилнинг сентябрь ойида Нью-Йорқда эришилған келишувларни рўёбга чиқаришга алоҳида эътибор қаратилди. Шу нуқтаи назардан давлатимиз раҳбарининг Вашингтонга ташрифи муҳим сиёсий воқеалик сифатида мамлакатимиз ва АҚШ ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлашда тарихий аҳамият касб этади.

Президентимизнинг АҚШ етакчи компаниялари, инвестиция фонлари ва молия институтлари вакиллари билан бўлиб ўтған учрашуви ҳам нийоятда самарали кечди. Давлатимиз раҳбари ўз нуқтаида икки мамлакат ўртасидаги стратегик шериклигининг устувор йўналишларига батафсил тўхталиб ўтди. АҚШ компанияларининг инвестиция ташаббусларини шахсан қўллаб-қувватлашга тайёрлигини, Ўзбекигон хорижий инвесторлар учун ишончли ҳамкор ва муваффақият кафолати бўлиб қолишини таъкидлади.

Албатта, учрашув якунида геология, нодир металлар, қишлоқ ҳўжалиғи ҳамда рақамли технологиялар каби муҳим соҳалар бўйича имзоланған икки томонлама битимлар ҳамкорлигининг устувор йўналишлари сифатида мамлакатларимиз тараққиёти, халқларимиз фаровонлиғига хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбарининг бу галги ташрифи кун тартибига парламентларо ҳамкорлик масаласи ҳам асосий ўринни эғаллади. Ўзбекигон раҳбари ташриф давомида Конгресснинг нуфузли вакиллари билан учрашди.

АҚШ Конгресси Вакиллар палатаси ағзолари Билл Хайзена, Кэрл Миллер ва Сидни Камлагер-Давни қабул қилар экан, Конгресс олий даражада эришилған, аввало, савдо-иқтисодий, инвестициявий ва маданий-гуманитар алоқаларни кенгайтиришга доир келишувларни амалга оширишга ҳар томонлама қўмақлашиши муҳимлигини таъкидлади.

Мамлакатимиз раҳбари АҚШ Сенатидagi Марказий Осиё бўйича кокус ҳамраиси, сенатор Стив Дэйнс билан бўлиб ўтған мулоқотда мазкур тузилма фаолиятига юқори баҳо берди ва у вакиллик қилаётған Монтана штати билан фаол ҳамкорлиқни давом эттириш масаласига алоҳида эътибор қаратди. Мулоқот чоғида штат ишбилармонлари делегациясининг Ўзбекигонга ташрифини ташкил этиш бўйича келишувга эришилди.

АҚШ Конгресси ағзоларининг давлатимиз раҳбари юриятаётған прагматик ташқи сиёсат ҳамда унда парламентнинг ролига қаратилаётған катта эътибордан бевосита воқиф бўлиш иккала давлат вакиллик органлари ўртасидаги алоқаларининг изчил ривожланишига қучли туртки бўлмоқда. Конгрессда Ўзбекигонга хайрихоҳ бўлған ағзоларнинг қўпайиб бораётгани олий даражадаги келишувларнинг тўлақонли ижросини таъминлаш ҳамда юқори натижадорликка эришишимизда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бугун икки давлат қонун чиқарувчи органлари ўртасидаги алоқалар жадал ривожланмоқда. АҚШ Конгрессига Ўзбекигон билан ҳамкорлик бўйича кокус самарали фаолият олиб борапти. Хар ийли Конгрессда кокус қўмағида икки томонлама муносабатларни мустаҳкамлашга хизмат қилаётған Ўзбекигон кунлари ўтказиб келинмоқда.

Албатта, бундай тадбирларни ташкил этишда фаоллик қўрсатаётған Стив Дэйнс ҳақида гап кетганда, унинг Ўзбекигон ва минтақа учун муҳим бўлған қатор ташаббусларни илгари сурганини айтиб ўтиш лозим. Жумладан, у ва Крис Мёрфи бошчилиғидаги сенаторлар ғуруҳи Марказий Осиё давлатлари учун Жексон-Вэник тузатишини узил-кесил бекор қилишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини Сенатга киритған.

Ушбу ҳужжат бир вақтинг ўзида Вакиллар палатасида ҳам рўйхатда олинған бўлиб, бу ташаббусининг икки партиявий қўллаб-қувватланишини билдиради. Мазкур тузатишининг бекор қилиниши Марказий Осиё мамлакатларининг АҚШ бозорига киришини кенгайтириш, Америка инвестицияларини жалб этиш, минтақанинг Вашингтон билан стратегик шериклигини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Миллий парламентимиз, хусусан, Сенат АҚШ Конгрессининг Ўзбекигон билан ҳамкорлик бўйича кокуси билан биргалиқда ушбу тарихий ташриф да-

вомида эришилған олий даражадаги келишувларнинг тўлақонли ижросини таъминлаш ва ўзаро муносабатларнинг бошқа йўналишлари бўйича режа-дас-турларини тузиб олади. Узаро ташрифларимиз орқали мамлакатларимиз ўртасидаги сиёсий, иқтисодий, маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлиқни янада ривожлантиришга, халқларимиз ўртасида дўстлик ришталарини мустаҳкамлашга муносиб ҳиссамизни қўишимиз зарур.

Нафақат АҚШ ва Ўзбекигон, балки жаҳоннинг қўллаб давлатлари жамоатчилиғида катта қизиқиш уйғотған ушбу ташрифлар ҳамда уларнинг доирасида бўлиб ўтған музокараларда **миллат, халқ ва минтақа манфаати учун**, деған тамойил устуворлик касб этиб турди.

Ташриф давомида ўтказилған тадбирларни халқимиз ҳам нийоятда катта қизиқиш билан қузатиб боргани, улар бугун очиқ минбар ҳисобланған ижтимоий тармоқларнинг асосий мавзусига айланған бор гап. Хусусан, уларда Ўзбекигон йирқи давлатлар ўртасидаги глобал қарама-қаршилиқда қайси томонда, кимнинг позициясини қўллаб-қувватлайди, деған мулоҳазалар муҳим ўрин тутади.

Фикр — уйғоқлиқдан, дахлдорликдан далолат. Бугунги глобал ўзғаришлар даврида, жаҳонда геосийсий рақобат қучайиб, транспорт-коммуникация йўналишлари ва энергия таъминоти заңжирлари ўзгараётған бир вақтда халқнинг ўз тақдирига қизиқиши, кенаётған жараёнларга беварқ бўлмаслиғи ҳам табиий ҳолдир. Шу ўринда Президентимизнинг қуйидаги сўзлари ёдга келади: **“Замон жуда мураккаб. Ҳозир катта-катта давлатлар “Ўзбекигон, сен ким томондасан?”, деяпти. Каттик-каттик айтиб, вакиллари ҳам келиб, ўзлари ҳам шунга даъват қияпти. “Ўзбекигон ағолиси 36 миллион бўлди, уч-тўрт йилда 40 миллионли катта давлат бўлди, сизлар ким томондасиз?”, деб сўраяпти. Бундай оғир саволга жавоб битта — мен халқим томондан. Миллатим, халқим, буюк Ўзбекигонимнинг манфаати учун жонимни беришга ҳам тайёрман”**.

Аслида бу туйғу “шу Ватан фарзандиман, унинг тақдир — менинг, келгуси авлодларимнинг тақдир”, деб яшаётған ҳар бир юртдоғимизнинг қалбидан чуқур жой олиши зарур.

МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК: «С5+1» САММИТИ - ЯНГИ ИМКОНИАТЛАР ЭШИГИ

Қўшни мамлакатлар ўртасида рақобатдан кўра ҳамкорлик қайфияти ҳукм сурмоқда, минтақада бирдамлик ва янги мувозанат шаклланмоқда.

Президентимизнинг АҚШ Президенти Дональд Трамп ва АҚШнинг бошқа юқори мартабали раҳбарлари билан учрашувлари икки томонлама стратегик шериклик муносабатларини янги босқичга олиб чиқмоқда. Икки томонлама учрашув якунлари, айниқса, АҚШ Президентининг бизнинг Президентимиз ҳақидаги фикрлари АҚШнинг Ўзбекигондаги ислохотларга ишонч билан қараётганидан далолат беради.

Марказий Осиё давлатлари ва АҚШ етакчилиғининг “С5+1” форматидagi саммити эса Марказий Осиёнинг нафақат минтақавий, балки глобал масалаларни ҳал этишда ишончли ҳамкор сифатида ўрни ошиб бораётганини қўрсатмоқда.

Дарҳақиқат, минтақамизда хавфсизлиқни таъминлаш билан бирга барқарор ривожланишга эришиш муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекигон учун ушбу платформа нафақат дипломатик мулоқотни, балки иқтисодий ривожланиш, инновацияларни жорий қилиш ва халқаро майдонда фаол иштирок этиш имкониятини ҳам таъминлайди.

Давлатимиз раҳбари саммитда сўзга чиқиб, “С5+1” формати доирасида амалий характерга эға бўлған ҳамкорлиқни мустаҳкамлашга қаратилған ташаббусларни илгари сурди. Жумладан, “С5+1” доирасида доимий фаолият юритадиған Котибият ташкил этиш, Инвестициялар ва савдо бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш тузиш, “Марказий Осиё инвестициявий шериклиғи” жағфармасини йўлга қўйиш, Минтақавий агротехнологик шериклик платформасига асос солиш каби ташаббуслар, албатта, “С5+1” форматидagi алоқалар натижадорлигини оширишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Бугунги кунда Ўзбекигон ва АҚШ муносабатлари нафақат давлат раҳбарлари, балки қонун чиқарувчи органлар ўртасида ҳам изчил ривожланмоқда. Саммит доирасида Президентимиз АҚШ Конгресси Вакиллар палатаси ағзолари билан ҳам

учрашув ўтказгани аҳамиятли жиҳатлардан бири бўлди. Бу мамлакатимиз раҳбарининг ҳар бир халқаро ташрифда парламент дипломатиясига алоҳида эътибор қаратаётганининг аққол ифодасидир.

Учрашувда стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва икки мамлакат парламентларининг амалий ҳамкорлигини кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди. Айниқса, АҚШ Конгрессига Ўзбекигон билан ҳамкорлик бўйича кокус фаолияти орқали парламент дипломатияси янада ривожланмоқда. Хар йили Вакиллар палатасида кокус қўмағида Ўзбекигон кунлари ўтказиб келинаётгани икки томонлама муносабатларни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Президентимизнинг АҚШга ташрифи фақат сиёсий эмас, иқтисодий, инвестициявий жиҳатдан ҳам юксак тарихий аҳамият касб этди. Ташрифнинг ишбилармонлик дастури доирасида Америка Қўшма Штатларининг етакчи компаниялари, инвестиция фонлари ва молия институтлари вакиллари билан самарали учрашувлар ўтказилди. Давлатимиз раҳбари Америка бизнеси билан стратегик шериклигининг янги йўналишларини очиқ ва аниқ тарзда қўрсатиб ўтди.

Албатта, Америка Қўшма Штатлари билан иқтисодий алоқаларнинг изчил кенгайиши мамлакатимиз иқтисодиётини модернизация қилиш, хусусий секторни ривожлантириш ва замонавий технологиялар жалб этишга хизмат қилади. Бу эса миллий манфаатларимизга тўла мос келади ва давлатимиз тараққиёти, халқимиз турмуш фаровонлигини янада юксалтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Президентимизнинг ташрифи якунлари кенг қўламли бўлиб, давлатимиз ва жамиятимизни фаол ривожлантириш учун янги имкониятлар очади. Ўзбекигон парламенти Президент Шавкат Мирзиёевнинг ташқи сиёсий йўлини тўлиқ қўллаб-қувватлаган ҳолда эришилған келишувларни амалга оширишда парламентнинг тасирчан иштирокчини таъминлаш учун барча зарур чора-тадбирларни қўриб, миллий ва минтақавий даражада келишувларнинг самарали амалга оширилиши учун зарур қонунчилик базасини мустаҳкамлайди.

Форум

МАРКАЗИЙ ОСИЁНИНГ ЕТАКЧИ АЁЛЛАРИ ЯНА ТОШКЕНТДА

Жорий йилнинг 12 ноябрь куни Тошкент шаҳрида “Марказий Осиё мамлакатларининг етакчи аёллари мулоқоти” форуми бўлиб ўтади.

Тадбирда Озарбайжон, Қозғосигон, Қирғизигон ва Тоғкиғизигон парламентлари вакиллари, БМТнинг минтақавий ва маҳаллий тузилмалари раҳбарлари, шунингдек, сиёсий ва жамоат арбоблари иштирок этади.

Мулоқот доирасида хотин-қизларнинг сиёсий-ижтимоий фаолияти, иқтисодий ва тадбиркорлик салоҳияти, таълим ҳамда репродуктив саломатлик соҳаларидаги имкониятлари, инно-

вация ва иқлим сиёсатидаги роллари муҳокама қилинади. Шунингдек, таъйик ва ўзравонликка қарши кураиш масалалари ҳам қўриб чиқилади.

Форумда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, гендер тенглиқни таъминлаш ва уларнинг барқарор тараққиётдаги фаол иштирокчини қучайтиришга қаратилған Декларация ҳам қабул қилинади.

Олий Мажлис Сенати Ахборот хизмати.

Сенатор ва ҳаёт

УЙЧИЛИКЛАР МУРОЖААТЛАРИГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛДИ

Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Одилжон Маматқаримов Наманган вилоятининг Уйчи туманида бўлиб, маҳалла фаоллари, маҳаллий Кенгаш депутатлари, ёшлар ва жамоатчилик вакиллари билан очиқ мулоқот ўтказди.

Тадбирда сенатор Сенатнинг ўн биринчи ялли мажлисида муҳокама этилған қонунлар ва қабул қилинған қарорларнинг мазмун-моҳияти ҳақида ййғилиш иштирокчиларига сўзлаб берди. Хусусан, ағоли турмуш даражасини ошириш, иқтисодий фаоллиқни қўллаб-қувватлаш, ёшларнинг бандлиғи ва ташаббусларини рағбатлантириш, шунингдек, ҳудудларда ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришга қаратилған чора-тадбирлар батафсил тушунтирилди.

Мулоқот чоғида иштирокчилар томонидан қишлоқ йўллари таъмирлаш, ичимлик суви таъминотини яхшилаш, ижти-

мой объектлар фаолиятини такомиллаштириш, тадбиркорликни кенгайтириш ва ағоли бандлигини таъминлаш бўйича тақриф ҳамда мурожаатлар билдирилди.

Сенатор ҳар бир масала юзасидан тегишли идора ва мутасаддиларга аниқ вазифалар юклаб, уларнинг ижросини назоратга олди.

Ташриф доирасида фуқаролар учун сайёр қабул ҳам ўтказилиб, унда келиб тушған мурожаатларни манзилли тарзда ҳал этиш бўйича масъул ташкилотларга топшириқлар берилди.

«Халқ сўзи».

Сиёсий партиялар фракцияларида

ДОЛЗАРБ ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНДИ

Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг ййғилишлари бўлиб ўтди. Уларда қуйи палатанинг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритилиши режалаштирилаётған қатор қонун лойиҳалари атроғлича қўриб чиқилди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекигон Либерал-демократик партияси фракцияси ййғилишида “Ўзбекигон Республикаси билан Венгрия ўртасида ушлаб бериш тўғрисидаги Шартномани” (Будапешт, 2025 йил 20 май) ратификация қилиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси муҳокама этилди.

Маълум қилинғанидек, жиноятчиликка қарши курашда давлатлараро ҳуқуқий ёрдамни йўлга қўйиш ва уни тизимли равишда амалга ошириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. Ҳозирги кунга қадар Ўзбекигон ва Венгрия ўртасида ушлаб бериш масалалари бўйича амалда шартномавий асос мавжуд эмаслиғи икки томонлама ҳамкорлик имкониятларини чекламоқда.



Мазкур шартнома муқаддима ва 26 та моддадан иборат бўлиб, унда жиноят содир этған шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш ёки уларга нисбатан чиқарилған ҳукмини ижро қилиш мақсадида ушлаб бериш тартиби, асослари ва шартлари белгиланған.

Депутатлар ушбу Шартноманинг қучга кириши натижасида Ўзбекигон ва Венгрия ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлари ўртасида жиноят ишларини тергов қилиш ва судда қўриш самарадорлиғи ошишини ҳисобга олиб, уни қўллаб-қувватлади.

Ўзбекигон “Миллий тикланиш” де-

мократик партияси фракцияси ййғилишида “Ўзбекигон Республикасининг Жиноят ҳамда Жиноят-ижроия кодексларига жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинған шахслар устидан назорат қилиш механизмларини такомиллаштиришга қаратилған ўзғартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳокамадан ўтказилди.

Мазкур қонун лойиҳаси билан Жиноят ҳамда Жиноят-ижроия кодексларига тегишли ўзғартириш ва қўшимчалар киритилаяпти. Жумладан, Жиноят-ижроия кодекси янги 281-боб билан тўлдирилиб, унда жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинған шахслар устидан пробация назоратини амалга ошириш, назорат талабларини бузған шахсларга қўшимча мажбурият юклаш ёки жазони қайта ўтатириш, жумладан, шахс зиммасидан айрим мажбуриятларни чиқариш ҳақида судга тақдимнома киритиш тартиби ва асослари белгиланмоқда.

Депутатлар ушбу қонун лойиҳаси жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинған шахслар устидан назоратни амалга ошириш механизмларини жорий этиш ҳамда қонун нормалари ижросининг тўлақонли бажарилишга хизмат қилишдан келиб чиқиб, уни қўллаб-қувватлади.

“Адолат” социал-демократик партияси фракцияси ййғилишида жазони ўташ муддатидан илгари шартли озод қилинған шахслар устидан назорат механизмлари такомиллаштиришга қаратилған қонун лойиҳаси обдан муҳокама этилди.

Айтилғанидек, пробация институти жазони ўтаб чиққан ёки жазони ўташ муддатидан илгари шартли озод қилинған шахсларнинг ҳуққи устидан самарали назорат ўрнатиш орқали уларни қайта тарбиялаш, жамият ҳаётига қайтиб кириши учун шароит яратиш, қайта жиноят содир этилишининг олдини олишда самарали восита бўлмоқда. Ушбу қонун лойиҳа-

си ҳам айнан жазони ўташдан шартли озод қилинған шахслар устидан самарали пробация назоратини ташкил этишни тако-

миллаштиришга қаратилған. Лойиҳа билан Жиноят кодексининг 73-моддасига шартли озод қилинған шахсларга белгиланған вақтларда назорат органларида рўйхатдан ўтиб туриш мажбуриятини юклаш мумкинлиғи назарда тутилмоқда.

Мунозаралар давомида фракция ағзоси Зухриддин Мавлонов қонун лойиҳасининг аҳамиятига тўхталиб, унда назарда тутилаётған айрим нормалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини, тақриф ва тавсияларини билдириб ўтди.

Муҳокамалардан сўнғ қонун лойиҳаси қўллаб-қувватланди.

Ўзбекигон Халқ демократик партияси фракцияси ййғилишида депутатлар “Ўзбекигон Республикасининг Жиноят ҳамда Жиноят-ижроия кодексларига жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинған шахслар устидан назорат қилиш механизмларини такомиллаштиришга қаратилған ўзғартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини қўриб чиқди.

Фракция ағзоси Дилбар Мамажоновна қонун лойиҳасига қиртилаётған механизмларни аниқ белгिलाш лозимлигини қайд этиб, амалиётда жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинған шахслар устидан назорат механизмлари ҳамда назорат субъектларининг ушбу йўналишдаги вазифалари белгиланмагани айрим муаммоларни келтириб чиқараётганини таъкидлади.

Савол-жавоблардан сўнғ қонун лойиҳаси қўллаб-қувватланди.

Ййғилишда, шунингдек, Ўзбекигон Республикаси билан Венгрия ўртасида ушлаб бериш тўғрисидаги Шартномани ратификация қилиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳам қўриб чиқилди.

Ушбу ҳужжатнинг асосий мақсади — халқаро майдонда бутун инсоният учун хавф солувчи жиноятлар, хусусан, терроризм, одам савдоси каби қўриқиларга қарши кураишда ағзо давлатлар ўртасида ҳамкорлик қилишнинг янғича меха-

низмлари, шунингдек, халқаро жиноятчиларни ушлаб бериш тизимига оид янғича ёндашувларни такомиллаштиришга қаратилған.



Депутат Зулайҳо Акрамова ушбу ҳужжатнинг ратификацияси Ўзбекигоннинг жиноятчиликка қарши кураишда дунё миқёсидаги иштирокини кенгайтиришга хизмат қилишини таъкидлади.

Ўзбекигон Экологик партияси фракцияси ййғилишида “Давлат божи тўғрисида”ги Қонунга ўзғартириш ва қўшимчалар киритиш натижасида назарда тутовчи қонун лойиҳаси қўриб чиқилди.

Таъкидланғанидек, қонун лойиҳаси билан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва махсус дирекциялар тадбиркорлик субъектлари томонидан ер қонунчилиғи бузилған ҳолларда иқтисодий судларга даъво аризаси билан мурожаат этганда давлат божидан озод қилиниши назарда тутилмоқда.

Мазкур ташаббус маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятини фаоллаштириш, ер ресурсларидан оқилона фойдаланишини таъминлаш ҳамда судга мурожаат қилишдаги бюрократик тўсиқларни бартараф этишга хизмат қилади.

Қайд этилишича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши ер ресурсларидан самарали ва мақсадли фойдаланишини таъминлаш, судга мурожаат этиш жараёнларини енгиллаштириш ҳамда ҳуқуқбузарлик ҳолатларига нисбатан тезкор чоралар қўриш имконини беради.

Қизғин муҳокамалардан сўнғ қонун лойиҳаси фракция ағзолари томонидан қўллаб-қувватланди.

«Халқ сўзи».

2026 йилдан давлат тиббиёт муассасалари ходимлари Тиббиёт ходимлари куни муносабати билан ҳар йили меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорида рағбатлантирилади.

Иккинчи жаҳон урушининг дастлабки ойларида, фашист кўшинлари Москвага яқинлашиб келганида, кўплаб олий ўқув юртларини жанговар ҳаракатлар бўлмаётган республикаларга, шу жумладан, Ўзбекистонга ҳам эвакуация қилиш ҳақида қарор чиқарилган эди. К. А. Тимирязев номидаги Москва қишлоқ хўжалиги

академияси (МСХА), унинг профессор-ўқитувчилари, талабалари ва илмий базаси Самарқандга жойлаштирилган. Бу ерда академия 1941 — 1943 йилларда фаолият юритган. Таълим жараёни тўхтаб қолмаган. Бундан ташқари, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги муҳим илмий ишлар давом эттирилган. Олий ўқув юрти Ўзбекистондаги илмий

муассасалар билан ҳамкорлик қилган ва фронт учун озиқ-овқат захираларини кўпайтиришга қаратилган ишларни олиб борган. К. А. Тимирязев номидаги академия ва Ўзбекистоннинг етакчи аграр университетлари ўртасидаги илмий-таълимий алоқалар ҳозиргача сақлаб қолиниб, фаол равишда ривожланмоқда.

ТАЪЛИМ СОҲАСИ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН УЧУН МУҲИМ ИНВЕСТИЦИЯ

Кейинги йилларда Ўзбекистонда таълим ва фан учун ажратилган маблағлар 6 баробар — 378 триллион сўмгача кўпайган. Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан олиб борилаётган ислохотларнинг устувор мақсадлари барча бўғинда ўқув жараёнининг сифатини яхшилаш, замонавий мутахассисларни тайёрлаш, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ўқитувчиларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилашдан иборат. Бугунги кунда улар яхши натижалар бермоқда ва дунё жамоатчилигининг диққатини тортиб, катта қизиқиш уйғотмоқда.

Нуктаи назар

Айни кунларда Самарқанд шаҳрида йирик халқаро тадбир — ЮНЕСКО Бош конференциясининг 43-сессияси бўлиб ўтмоқда. Анжуман кейинги 40 йил ичида ilk бор Париждан ташқарида ўтказилмоқда. Унда 190 та аъзо давлат ва халқаро ташкилотлардан 2 800 дан зиёд вакиллар қатнашяпти.

Ўзбекистоннинг тадбирини қабул қилувчи мамлакат сифатида танланishi бежиз эмас. Бу Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида олиб борилаётган изчил ва фаол ташқи сиёсат натижасидир. Халқ эҳтиёжига тўлиқ мос келадиган таълим тизимини шакллантириш — “Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг асосий мақсадларидан бири. Мамлакат тараққиётининг фундаментал дастури Ўзбекистонни кейинги ўн йиллик бошида даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар қаторига киритишдан иборат бўлиб, бунга барқарор иқтисодий ўсиш, ҳар бир инсоннинг ўз салоҳиятини намоён этиши учун шароит яратиш орқали эришиш мақсад қилинган.

Сўнгги йилларда мамлакатда юзлаб янги болалар боғчалари, мактаблар, техникум ва олий таълим муассасалари курилди. Таълим ташкилотлари ва илмий муассасаларни замонавий талабларга мос равишда жиҳозлаш бўйича дастурлар амалга оширилмоқда, педагогларнинг меҳнати муносиб баҳоланмоқда.

Педагог касбининг юқори мақоми

XX аср охири — XXI аср бошидаги иқтисодий шароитлар ва маънавий-ахлоқий инқироз, педагог кадрлар тайёрлашдаги муаммолар бу касбнинг нуфузини анча тушириб юборди.

Ўзбекистон таълим тизимини, жумладан, аграр соҳада трансформация қилиш 2017 йилдан бошланди. Аввало, педагог касби макомини кўтариш, ўқитувчиларнинг кадр-қиммати, қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояси дастлабки чора-тадбирлардан бири бўлди.

Шу мақсадда ўқув юртлари ходимларининг тариф ставкалари бир неча марта оширилди, республика ва халқаро олимпиадалар голибларини тайёрлаган ўқитувчилар учун мукофотлар жорий этилди, уй-жой ва автотранспорт, замонавий компьютер ускуналари сотиб олиш учун имтиёзли кредитлар ажратилди, педагогларни рағбатлантиришнинг бошқа чоралари амалга киритилди.

Ўзбекистон Конституциясида устозларнинг алоҳида мақоми белгилаб қўйилди. 52-моддага асосан, Ўзбекистон Республикасида ўқитувчининг меҳнати жаамият ва давлатни ривожлантириш, соғлом, баркамол авлодни шакллантириш ҳамда тарбиялаш, халқнинг маънавий ва маданий салоҳиятини сақлаш ҳамда бойитишнинг асоси сифатида эътироф этилади.

Шунингдек, 2024 йил февралда кучга кирган “Педагогнинг мақоми тўғрисида”ги Қонунда ҳам педагогнинг мақоми тан олинди. Уларнинг ўз касбий фаолиятини юритиши учун ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилади, ижтимоий ҳимояси таъминланади ва ҳуқуқлари амалга оширилиши учун кафолатлар берилади.

Педагоглар учун маошига ўндан ортиқ турдаги устамалар киритилган. Ўн минглаб ўқитувчилар чет тиллари ва мактабда ўтиладиган ўқув фанлари бўйича миллий ва халқаро сертификатлар олинган. Ҳар йили соҳанинг юздан ортиқ ходимлари юксак давлат мукофотлари ва унвонларига муносиб кўрилади.

Сўнгги тўққиз йилда педагогларни

қўллаб-қувватлаш учун давлат томонидан кўрилган кенг қўламли чора-тадбирлар ушбу касбни энг обрўли ва талабгир касбга айлантирди. Бу соҳага ёш, иқтидорли мутахассислар жалб этилди. Улар ўз ишига ва юқори миссиясига мувофиқ ҳолда рағбатлантириб келинмоқда.

Ислохотларга комплекс ёндашув

Ўзбекистонда таълим тизимининг ислохотлари комплекс характерга эга. 2017 йилдан 2025 йилгача мамлакатдаги мактабгача таълим ташкилотларининг сони 5 200 тадан 38 минггача ортди. Уларда 2,5 миллион нафар бола тарбияланади, қамров даражаси 78 фоизга етди. Ушбу кўрсаткичларга эришиш учун катта йўл босиб ўтилди.

2017 йил кузига Мактабгача таълим вазирлиги ташкил этилди. Давлат-хусусий шерикликнинг самарали механизмлари жорий қилинди. Худудларда оилавий ва хусусий боғчалар очмокчи бўлганлар учун имтиёзлар берилди. Бепул мактабгача таълим бўйича муқобил шакллар йўлга қўйилди. Улар орасида “Ақловий” деб аталувчи мобил болалар боғчалари учун махсус жиҳозланиб ташкил этилган микроавтобуслар ҳам пайдо бўлди. Уларда малакали тарбиячилар ишлайди. Жойларда яна ўнлаб ўйин майдончалари ташкил этилдики, улар ҳам мобил боғчалар каби фаолият юритади. Ушбу лойиҳа барча кичкинтойлар учун таълим олиш имкониятини берди, узоқ ва аҳолиси кам бўлган қишлоқларда яшайдиган оилаларни қўллаб-қувватлашга хизмат қилляпти.

Боғчаларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича кенг қўламли тадбирлар амалга оширилди. Ўқитиш дастурлари ҳам илгор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда ўзгартирилди. Тарбиячилар ва бошқа боғча ходимларини тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлаш учун янги олий ўқув юртлари ва факультетлар очилди. Мактабгача таълим ташкилотларининг раҳбарлари ва ходимларининг оиллик маоши ўртача икки баробар оширилди.

Диққат марказида — мактаб

Ўзбекистонда болаларни ўқитиш ва ҳаётга тайёрлашнинг энг муҳим босқичи — мактаб таълимини ривожлантириш устувор йўналиш ҳисобланади. Кейинги йилларда 500 га яқин янги мактаблар курилди. Фаолият кўрсатаётганларини кенгайтириш ҳисобига миллионга ўқувчи ўрни ташкил этилди. Мамлакатда янги моделдаги ўқув масканлари — Президент мактаблари, ихтисослаштирилган ва ижод мактаблари тизими яратилди. Иқтидорли болалар учун 201 та ихтисослаштирилган мактаб очилди.

Иқтисодиётнинг жорий ва келгуси эҳтиёжларидан келиб чиқиб, таълим тизимида техник ва муҳандислик йўналишларини ривожлантириш вазифаси қўйилди. Шу асосда мамлакатнинг 14 та маъмурий ҳудудига муҳандислик мактаблари ташкил этилмоқда. Уларга ўқувчилар танлов асосида қабул қилинади, ўқитиш эса давлат ҳисобидан. Бу мактабларда “STEM” (Science, Technology, Engineering, Mathematics) модели асосида муҳандислик таълими бўйича илгор дастур жорий этилмоқда.

Кейинги йилларда мамлакат мактабларининг қиёфаси тубдан ўзгарди. Ободонлаштирилган ва қулайликлар яратилган мактаблар замонавий техника билан жиҳозланган. Уларда ижод ва спорт билан шуғулланиш, хорижий тилларни ва рақамли технологияларни ўрганиш, турли касбларнинг асослари-



ни эгаллаш учун шароитлар мавжуд. Замонавий дарсликлар, илгор педагогик технологиялар асосида мактаб таълими янада сифатли мазмун билан тўлдирилмоқда.

Ҳар кимга — мутахассислик бўйича

Сўнгги ойларда Ўзбекистонда ёш мутахассисларни тайёрлаш бўйича ўрта касбий таълим деб номланувчи муҳим босқичга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўрта махсус маълумотли мутахассислар давлатнинг ўсиб бораётган иқтисодиёти учун муҳим захирадир.

Мактаб ўқувчиларини қобилиятига кўра ишчи касбларга ёки олий таълимга йўналтириш учун Ўзбекистонда тўққизинчи ва ўн биринчи синф битирувчилари учун ягона давлат имтиҳони жорий қилиш режалаштирилмоқда. Бу эса ўрта махсус таълим муассасаларига ҳар йили 400 минг нафарга яқин 9-синф битирувчиларини қамраб олиш имконини беради.

Янги таълим муҳитини ва халқаро стандартларни жорий қилиш учун Ўзбе-

“*Кейинги йилларда Ўзбекистонда олий таълимни ривожлантириш йўналишида жуда катта сакраш кузатишмоқда. 2017 йилдан бошлаб ҳозирги пайтгача мамлакатдаги олий таълим ташкилотларининг сони 77 тадан 202 тагача кўпайди, талабалар сони эса 250 мингдан 1,5 миллион нафаргача ортди. Ёшларда университетлар ва ихтисосликларни танлаш бўйича имкониятлар сезиларли равишда кенгайди.*”

кистондаги 600 га яқин техникумларда Касбий таълим агентлиги ташкил этилди. Ўрта махсус таълим тизимида дуал таълим йўлга қўйилади ва бунда аниқ инвестициявий лойиҳалар рўёбга чиқарилади. Дуал таълимга қамров 5 мартага ортади. Ҳамкор корхоналар учун эса имтиёзли кредитлар ва солиқ бўйича энгилликлар бериш кўзда тутилган.

Бундай ўзгаришларнинг мақсади шундан иборатки, ҳар бир ёш йигит-қиз талабгир касбни эгалласин ва барқарор даромад манбаига эга бўлсин.

Имкониятлар тенглиги ва натижага йўналтирилганлик

Кейинги йилларда Ўзбекистонда олий таълимни ривожлантириш йўналишида жуда катта сакраш кузатишмоқда. 2017 йилдан бошлаб ҳозирги пайтгача мамлакатдаги олий таълим ташкилотларининг сони 77 тадан 202 тагача кўпайди, талабалар сони эса 250 мингдан 1,5 миллион нафаргача ортди. Ёшларда университетлар ва ихтисосликларни танлаш бўйича имкониятлар сезиларли равишда кенгайди.

Бундан саккиз йил аввал давлат олий ўқув юртларига кириш бўйича тестларни абитуриентлар бир кунда топширишар ва факат битта олийгоҳда танланган факультетга киришлари мумкин эди. Талабалар сафига қўшила олмаган ёшлар эса кейинги йилни кутишга мажбур бўларди. Энди эса абитуриент турли вилоятлардаги бештагача бўлган давлат олий таълим муассасалари ва таълим йўналишини танлай олади. Ҳужжатлар онлайн тарзда топширилади. Тестлар махсус жиҳозланган павильонларда ўтказилади. Замонавий технологиялар ёрдамида синовларнинг шаффофлиги ва ҳолислиги таъминланади.

Қатор давлат институтлари ва университетлари молиявий, бошқарув ва

академик мустақилликка эга бўлишди. Бюджет квоталари сони кўпайтирилди. Қабул режалари ўзгарувчан бўлиб, минтақалар ва иқтисодиётнинг талаблари ҳисобга олинган ҳолда шакллантирилмоқда. Бу эса таълим тизимини мамлакат иқтисодиётининг стратегик вазифаларини ҳал этишга аниқроқ йўналтиради. Шунингдек, энг талабгир соҳалар учун мутахассисларни тайёрлашга хизмат қилади.

Олий таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг муҳим жиҳати — барча тоифадаги фуқаролар учун имкониятлар тенглигидир. Етим болалар, ота-она қарамоғисиз қолган болалар, ногиронлиги бўлган шахслар учун кафолатланган квоталар кўзда тутилган. Ҳимоясиз қолган оилаларнинг аъзоси бўлган қизларга қўшимча бюджет ўринлари ажратилмоқда.

Олий таълим ташкилотларида ўқш жараёни тубдан ўзгармоқда. Университетлар қошида инновацион марказлар, технопарклар, илмий лабораториялар, бизнес-инкубаторлар, стартап акселераторлари, “spin-off” компаниялар очилмоқда. Таълимнинг дуал шакли назарий билимларни реал корхона ва ташкилотларда амалда қўллашга қаратилган бўлиб, бугунги кунда у фаол ривожланмоқда.

Муҳандислик таълимидаги ислохотлар ҳам муҳим қадам бўлди. Техник университетларда илгор олий муҳандислик мактаблари ташкил этилмоқда. Улар саноат, фан ва технологиялар соҳасида талаб қилинаётган юқори малакали мутахассисларни тайёрлашга қаратилган. Яқин йилларда шундай мактабларнинг сонини камида 25 тага етказиш кўзда тутилмоқда.

Уларнинг асосий хусусияти — саноат билан узвий боғлиқлик. Ҳар бир

мактабнинг ўз индустриал ҳамкори бор. Компаниялар ўқув дастурларини ишлаб чиқишда қатнашади, стажировкалар ўтказиш, лабораториялар ташкил этади. Ўзбекистоннинг муҳандислик элитасини тайёрлаш ўчоғи бўлган ана шундай мактаблар корхоналарни юқори малакали мутахассислар билан таъминлайди, улар эса мамлакатнинг индустрия ва технологик тараққиёти-ни янги босқичга олиб чиқиш учун шароит яратди.

Бутун дунёдан энг яхшилари

Ўзбекистон олий таълим ташкилотларининг хорижий илмий ва таълим муассасалари билан халқаро ҳамкорлиги янада юқори босқичга чикди. Мамлакатдаги деярли барча университетларда хорижий шериклар билан қўшма ўқув дастурлари мавжуд. Талабалар ва ўқитувчилар алмашуш йўлга қўйилган, икки дипломлилик дастурлари, академик мобиллик ва қўшма илмий тадқиқотлар ривожланмоқда. 1,5 мингдан ортиқ ўзбекистонлик талабалар жаҳоннинг етакчи университетларида таҳсил олмоқда.

Таълим соҳасида кенг қўламли ва узоқ мuddатли ҳамкорлик — Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги шерикликнинг муҳим йўналиши. У йилдан-йилга ривожланиб бормоқда. 2025 йилнинг июль ойи маълумотларига кўра, Россия олий ўқув юртларига бакалаврият, магистратура ва специалитет

Ўзбекистонда таълим соҳасининг ривожланиш тенденцияларини белгилар эканнимиз, шундай ҳулоса қилиш мумкинки, замонавий, мустақил тафаккурга эга бўлган, дунё сахнасида рақобатбардош мутахассисларни тайёрлаш мамлакатда умумийлиги ҳаракатга айланган. Бу эса келахакка муҳим инвестиция. Шундай инвестицияки, у иқтисодий ривожланган, кучли, барқарор ва гуллаб-яшнаётган Янги Ўзбекистоннинг тараққиётига хизмат қилади.

Владимир ТРУХАЧЕВ, Россия давлат аграр университети — К. А. Тимирязев номидаги Москва қишлоқ хўжалиги академияси ректори, Россия Фанлар академияси академиги.

Дил сўзи

ИШОНЧНИ, АЛБАТТА, ОҚЛАЙМИЗ

Узоқ йиллардан бери “Мурувват” ногиронлиги бўлган шахслар учун эркаклар интернет уйида фаолият юритаман. Ҳар куни инсонпарварлик, сабр-тоқат ва ғамхўрликнинг ҳақиқий маъносини ҳис этаман. Зеро, бизнинг соҳа — бу шунчаки иш жойи эмас, балки одамлар тақдири билан боғлиқ масъулиятли миссиядир.

Интернатдаги ҳар бир инсонга илфитот, илиқ сўз ва ғамхўрлик кўрсатиш орқали уларнинг юзиде табассум кўриш — биз учун энг катта бахт.

Давлатимиз раҳбари Фармони-га мувофиқ, Тиббиёт ходимлари куни муносабати билан “Шухрат” медалига лойиқ кўрилганим менга янада катта руҳ ва янги куч бағишлайди. Бу юксак ишончни, албатта, оқлайман.

Бугун юртимизда ҳар бир соҳа ходимининг меҳнати қадрланмоқда. Инсон салоҳиятини юксалтириш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Бу бизни янада фидокорона меҳнат қилишга, халқимиз саломатлиги ва фаровонлиги йўлида жон куйдиришга ундайди. Бу юксак мукофот — нафақат менинг, балки соҳага юракдан хизмат қилаётган минглаб ҳамкасбларимнинг меҳнатини эътироф этиш.

Дилшода ЖАББОРОВА, Нурота туманидаги “Мурувват” ногиронлиги бўлган шахслар учун эркаклар интернет уйи хўжалик бекаси, «Шухрат» медали соҳибчи.

«КЕЧИКИШГА ҲАҚҚИМИЗ ЙЎҚ»

Тез тиббий ёрдам ҳайдовчиси сифатида ҳар куни турли ҳолатларга гувоҳ бўламиз — бир жойда бола туғилаётган бўлади, бошқа ерда бир инсон яшаш учун курашмоқда. Бундай пайтда ҳар сония, ҳар нафас қиммат. Биз шундай дақиқаларда тезкор ҳаракат қилиб, инсоннинг ҳаётини сақлаб қолишга интиламиз. Шу туфайли мазкур касб мен учун шунчаки иш эмас, балки юрак билан бажариладиган муқаддас бурчдир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислохотлар, айниқса, энг қуйи бўғинда меҳнат қилаётган биз каби оддий ходимларга бўлган эътибор бутун умримизга янги маъно бағишлади. “Шухрат” медали билан тақдирланишим — бу фақат менга берилган мукофот эмас, балки ҳар куни инсон ҳаёти учун курашаётган тизимдаги барча ходимлар меҳнатининг қадрига берилаётган улкан баҳодир. Энди ҳар сафар хизматга чиқарканман, нафақат бурч, балки билдирилган бу ишончни оқлашга ҳаракат қиламан.

Биз, тез тиббий ёрдам ходимлари учун ҳар бир кўнғирқор ортида кимнингдир ҳаётини сақлаб қолиш имкони ётади. Ҳар дақиқа биз учун масъулият ва синов. Биз мана шу синовдан муваффақият билан ўтишга интиламиз. Давлатимиз томонидан меҳнатимиз қадрланиши эса ҳар биримизга маънавий қувват, руҳий таянч ва ғурур бағишлайди.

Кенжа ЭЛАМАНОВ, Республика тез тиббий ёрдам марказининг Ўзун тумани бўлими ҳайдовчиси, «Шухрат» медали соҳибчи.

Ўзбекистон Миллий кутубхонаси томонидан «INFOLIB O'ZBEKISTON — 2025» XIV Миллий ахборот-кутубхона ҳафталигига старт берилди.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўттир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1142. 10 552 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Телефонлар:
Девонхона 71-259-74-51; котибалик 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.



Таҳририятда келган кўлаёмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг маълумоти берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаовбар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфия ҳижатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — Н. Остонов.
Мусахҳиҳ — Ш. Маматова.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 02.08 Топширилди — 02.10 1 2 3 4 5 6